



**О‘zbekiston Respublikasi Sog‘liqni saqlash vazirligi
Farmatsevtika tarmog‘ini rivojlantirish agentligi direktorining
BUYRUG‘I**

2022-yil «16» mart

36 -sonli

Toshkent sh.

Лицензияловчи органнинг лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги, республика даражасидаги қарорлари юзасидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш бўйича Апелляция кенгаши таркибини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги ягона низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 21 февралдаги 80-сон Қарорининг 3-бандида белгиланган вазифани бажарилишини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Лицензияловчи органнинг лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги, республика даражасидаги қарорлари юзасидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш бўйича Апелляция кенгашининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси (Ш.Холматов) лицензияловчи органлар қарори ва уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан келиб тушадиган шикоятларни Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомнинг 7-бобига қатъий амал қилган ҳолда қабул қилинишини таъминласин.

3. Бош юрисконсулт (Ш.Ходжаев) Апелляция кенгашининг шикоят бўйича йиғилиш материалларини тайёрлашни Махсус электрон тизим орқали айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисида ягона низомнинг 7-бобига мувофиқ амалга оширсин.

4. Ушбу буйруқ ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Директор

С.Кариев

Фармацевтика тармоғини
ривожлантириш агентлигининг
16 март 2022 йилдаги 36-сон
буйруғига илова

**Лицензияловчи органнинг лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги, республика даражасидаги қарорлари юзасидан келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиш бўйича Апелляция кенгашининг
ТАРКИБИ**

Лавозим бўйича:

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директори
С.Кариев, *Кенгаш раиси*

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги директорининг
биринчи ўринбосари, *Кенгаш раиси ўринбосари*

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва
жамоат саломатлиги хизмати бошлиғининг ўринбосари Н.Отабеков

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг ташкилий
назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи Ш.Холматов

Лицензиялаш ва нazorат қилиш бошқармаси бошлиғи Г.Зуфарова

Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг бош
юрисконсульти Ш.Ходжаев, *Кенгаш котиби*